● ЁШ ОФИЦЕРЛАР — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР КЕЛАЖАГИ

# СОҲАГА МЕҲР ҚЎЙИБ

Халқимизда қадим замонлардан буён бирор хонадонда ўғил фарзанд дунёга келса, Ватан, эл-юрт ҳимоячиси туғилди, дея эътироф этиш урф бўлиб келган. Ёш йигитларнинг болалик чоғлариданоқ аскар акаларига ҳавас қилиб, уларга тақлидан ҳарбийликка интилишлари, ботир йигит бўлиб танилишга ҳаракат қилишлари замирида ана шундай гўдаклик чоғлариданоқ шуурига сингдирилган ватанпарварлик туйғулари акс этаётган бўлса, ажаб эмас. Дарҳақиқат, армияда хизмат қилиш чинакам шунқорларнинг шарафли бурчи, масъулиятли вазифаси саналади. Фарзандларининг камолга етганини кўрган ота-оналарнинг қувонч ва шодлигини тасвирлашга эса ҳожат йўқ.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани «Соҳибкор» ширкат хўжалигида дунёга келган Шерзод Нурматов шундай орзулари ушалаётган ёш, умидли офицерлардан. У бир йил олдин Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатган. Айни пайтда олган билимларини ҳаётга татбиқ этиб, ёш аскарларга ўргатиб келмоқда. Капитан Эргаш Тоштемиров командирлик вазифасини бажараётган танкчилар батальонида гуруҳ командири бўлган лейтенант Шерзод Нурматовни қисм машиналар паркида, машғулот устида учратдик.

— Аскарларга барча тайёргарлик машғулотларидан талаб даражасида билим беради, — деди Шерзод ҳақида капитан Э. Тоштемиров. — Ундаги ғайрат-шижоатни кўриб хурсанд бўламан. Ўзи астойдил меҳр қўйган соҳаси бўлгани учунми, бу борада жуда яхши билимга, тайёргарликка, эга. Бироқ бу билан чекланмасдан ҳамон ўз устида ишлаб, тинмай изланяпти.

Суҳбатимизни лейтенант Шерзод Нурматов билан давом эттириш учун унга яқинлашдик. Ёш командир бизни ҳарбийча салом билан қарши олди.

**— Саломат бўлинг, ўртоқ лейтенант, хизматлар қандай?**

— Аъло даражада, раҳмат ўртоқ лейтенант, — жавоб берди Шерзод.

**— Ёш аскарларнинг ҳарбий хизматга бўлган иштиёқларига қандай баҳо берасиз?**

— Улар жуда қизиқувчан. Бунинг устига ўта ғайратли ҳамдир. Кўп нарсани билишни хоҳлайди. Кўпинча бу ҳол улар билан яккама-якка суҳбат уюштирганимда янаям аниқроқ намоён бўлади. Илмга чанқоқ аскарлар билан ишлаш ўз навбатида биздан ҳам кўпроқ билишни, изланишни талаб қилади. Билим юртида ўқиб юрган пайтларимиз устоз-офицерлар бизга таълим-тарбия бериш учун қанча куч-ғайратларини сарф қилган бўлса, энди худди ўша масъулият бизнинг ҳам бурчимиз эканини тўғри ҳис қиламан. Менинг офицерлик даражасига эришишимда билим ва маҳоратларини аямай тўғри йўл кўрсатган барча устозларимдан миннатдорман. Хусусан, майор Қувондиқ Жуманиёзов, катта лейтенант Музаффар Мирҳамидовларга ташаккуримни изҳор этаман.

**— Ҳарбий хизматчининг интеллектуал даражаси юқори бўлиши уни ҳамиша муваффақиятларга етаклайди.**

— Тўғри. Бу борада бизда барча шароитлар йўлга қўйилган. Қисм кутубхонасида турли-туман китоблар ҳарбийлар эҳтиёжлари учун хизмат қилади. Ўзим ҳам тез-тез ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлган асарларни мутолаа қилиб тураман. Умуман, аскарларнинг интеллектуал даражаси яхши, бу ерда эса янада ривожланяпти. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида, тарбиявий соатларда бунга алоҳида эътибор қаратилади. Ўз вақтида муҳим воқеа-ҳодисалардан аскарларни хабардор этиш билан бирга вақтли матбуот нашрлари ҳам мунтазам етказиб бериб турилади. Хизматни шартнома асосида давом эттиришни истаётган ҳарбийларимиз ҳам кундан-кунга кўпчиликни ташкил қилиб бормоқда. Улар ҳам барча ҳарбийларимиз каби келажагини шу соҳадан топмоқчи бўлган ўтюрак ўғлонлар. Биз, командирлар имкон қадар уларга ёрдам беришга тайёрмиз. Қўл остимда хизмат қиладиган кичик сержантлар — Икром Ҳакимжонов, Эркин Бозоров ва Тўлқин Ҳасановлар энг яқин ёрдамчиларим. Қуролли Кучларимиз келажаги, унинг ҳақиқий профессионал армияга айланиши учун сидқидилдан хизмат қилишга доимо шаймиз.

Суҳбат асносида маълум бўлдики, ҳадемай забардаст ўғилни вояга етказиб эл хизматига йўллаган Чироқчи туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалигида яшовчи Шербўта ака хонадонида яна бир улкан шодиёна — Шерзоднинг бахт тўйи бўлиши кутилаяпти экан. Табиийки, оила қургач, унинг масъулияти янаям ортади. Энди у мустақил оила бошлиғи сифатида янаям кўпроқ меҳнат қилиши, тинимсиз изланиши керак бўлади.

Ўйлаймизки, қасамёдига содиқ юрт ўғлони буюк мақсад йўлида асло оғишмайди.

**Лейтенант**
**Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

# СПАСАТЕЛИ, ВПЕРЕД!

Полевой лагерь спасателей из областного управления по чрезвычайным ситуациям расположился в предгорьях. Палатки подразделений МЧС специально изготавливаются из ярких материалов. Но поскольку на данных занятиях спасатели взаимодействуют в основном с войсковыми подразделениями, то и расположились они по-боевому, умело замаскировавшись.

...Принявший по радиостанции тревожное сообщение дежурный по лагерю Азамат Джумаев немедленно подал условный сигнал тревоги. Мирно дремлющий под яблоневыми деревьями лагерь мгновенно преобразился. Одетые в яркие оранжевые каски, обвешанные веревками, с ледорубами в руках спасатели дежурной группы деловито построились у командирской палатки.

Короткий инструктаж, и вот уже группа спасателя-инструктора Шерзода Саидова занимает свои места в юрком уазике. Водителю Тургуну Худайназарову не в первый раз предстоит доставить своих сослуживцев по горным дорогам как можно ближе к месту происшествия.

Сегодня перед спасателями стоит непростая задача: эвакуировать с крутого горного склона «заболевшего военнослужащего». Предварительную разведку местности оперативно проводят Джасур Экуватов и Саттар Тупаев. Они быстро устанавливают наиболее оптимальный путь эвакуации «больного» и, поднявшись по горному склону, закрепляют веревку к крепко вросшему в каменную расщелину изогнутому стволу дерева. Сегодня спасатели располагают самым современным снаряжением, изготовленным из легких и прочных материалов. «Больного» осторожно укладывают в специальный мешок для транспортировки и с помощью расположившихся внизу Шерзода Саидова и Эльера Хамидова начинают спускать вниз.

К сожалению, первоначальный расчет оказался неверен. Из-за особенностей рельефа спуск пришлось осуществлять не поперек, а наискось ущелья, и росшие на склоне деревья и кусты стали серьезным препятствием для продвижения. Попытки Джасура и Саттара вручную помочь движению эвакуируемого не привели к успеху.

Командир группы Шерзод Саидов, в свое время отслуживший в спецназе, имеющий боевой опыт действий в горной местности, тут же принимает решение - изменить место и направление эвакуации. Еще несколько минут напряженной работы, и вот уже подвешенный на ремнях и веревках «заболевший военнослужащий», роль которого старательно играет Д. Рахимкулов, легко соскальзывает вниз по туго натянутой веревке. Спасатели свою задачу выполнили, теперь дело за медицинскими работниками.

Подводя итоги занятия, его руководитель подполковник Наиль Абдуллаев провел тщательный разбор каждого эпизода. Отметил высокое мастерство и личную подготовку спасателей, в трудных условиях отказавшихся от привычных стандартов, сумевших выполнить поставленную задачу быстро и оперативно. Проанализировал и упущения, имевшие место при выборе места эвакуации.

Благодаря постоянной плановой учебе и практическому участию в спасательных операциях по ликвидации последствий наводнений, землетрясений, селевых потоков, спасатели быстро приобретают необходимый опыт.

Горы несут немало сюрпризов и начинающим туристам, и опытным альпинистам, и самым подготовленным воинам. Спасатели МЧС знают это по собственному опыту, ведь их работа — в нужное время прибыть туда, где трудно, а профессия — спасать в любой обстановке. И если в лагере прозвучит сигнал «Спасатели, вперед!», они со своей задачей справятся успешно.

**Подполковник**
**Владимир КАЛОШИН.**

# ПИНҲОНА ЖАНГ—НОМАРДГА ХОС

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» номли китобидан келтирдик. Китобда мамлакатимизда юз берган фожиали ҳолатлар чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб берилган. Халқаро террор ва экстремизмнинг ёвуз башараси далиллар, нуфузли давлатларнинг улкан сиёсатчилари талқинида фош этилган.

Пойтахтда юз берган портлашлар китобнинг нақадар жиддий эканлигини яна бир бор кўрсатди. Кўнгилсиз ҳодиса биз ҳарбийларни ҳам ташвишга солди. Пинҳона жанг номардларга хос.

Қисмимизда юртимизнинг турли чеккаларидан йигитлар хизмат қилишади. Фикрлашимиз, муносабатларимиз ҳар хил. Аммо барчамизни ягона мақсад бирлаштириб туради. Бу — она юрт мустақиллигининг мустаҳкам, муносиб ҳимоячиси бўлиш. Гап Ватан манфаати, унинг тинчлиги, осойишталиги ҳақида кетганда мақсадларимиз муштараклиги янада яққол сезилади.

**«Биз қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз. Биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккир ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқмиз»,** — бу сўзларни ўқир эканмиз, бурчимиз масъулиятини янада чуқурроқ англаймиз. Чунки биз посбонлар буюк давлат қуришга бел боғлаган халқнинг фарзандларимиз, унинг мустақиллиги, эрки, фаровон ҳаётининг ишончли ҳимоячиларимиз.

Китоб барчамизни жипсликка, ҳамжиҳатликка даъват этиши билан қадрлидир. Бирлашган халқ қудратлидир. Ижтимоий-сиёсий машғулотларнинг асосий мавзусига айланган бу китобни синчиклаб ўрганишимизда тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари лейтенант Бекзод Раҳимовнинг ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди.

Ушбу китобни шунчаки ўқиб кўриш мумкин эмас. Уни чуқур ўрганишни, мағзини чақиш кераклигини ҳаёт ўзи кўрсатмоқда. Китобдаги қуйидаги сатрларни ўзини шу юрт фарзандиман деб ҳисобловчи ҳар бир фуқаро ҳаётий шиорига айлантириб олишини истардик: **«...сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингни хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ».**

**Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари**
**Анвар ЭСОНОВ,**
**Қобил ТУРСУНОВ,**
**Жиззах гарнизони.**

# «Энг ибратли йигит»

Республика Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактабида, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Экосан» халқаро жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» шиори остида ўтказилаётган «Энг ибратли йигит» танловининг биринчи босқичи ўтказилди.

Уч босқичда ўтказиладиган мазкур танловнинг биринчи босқичида иштирок этаётган мактабнинг етти нафар курсанти етти йўналишда ўзаро баҳслашди. Танлов шартлари асосида йигитлар маънавий баркамоллик, тадбиркорлик, оила қуришга тайёрлик, уни бошқариш, режалаштириш, табиатга бўлган муносабат, экологик муаммолар, ердан фойдаланиш ҳамда Ватан ҳимоясига тайёргарлик йўналишларида ўз билим ва кўникмаларини намойиш этишди.

Ғолиблар «Экосан» жамғармаси томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Танловнинг якунловчи босқичи жорий йилнинг декабрь ойида ўтказилади.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

# Биз каби ўғлонлар бор

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Буни биз, Ватан ҳимоячилари, жуда яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам биз жанговар тайёргарлигимизни кундан-кунга ошириб бораяпмиз ва ўқув машғулотларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Шундай ҳаяжонли кунларда мен ўзим ва сафдошларим номидан ишонтириб айтаман: биз Ватанимиз учун жонимизни ҳам аямаймиз! Жонажон Ўзбекистоннинг биз каби содиқ Ватан ҳимоячилари бор!

Мен ва сафдошларим умумхалқ байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 13 йиллигини жанговар ютуқлар билан қарши олаяпмиз. Демак, бу байрамимизни халқимиз муносиб кутиб олишига ҳеч қандай ёвуз кучлар тўсқинлик қилолмайди. Чунки биз каби фидокор Ватан ҳимоячилари бор.

**Оддий аскар Ф. РАСУЛОВ,**
**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ.**

